

## ЎРТА ОСИЁ ХОНЛИКЛАРИДА ХАЛҚ ТАБОБАТИ ВАКИЛЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ

*Аллаев Мурод, Поянов Ихтиёр, Узоқов Беғали,  
Жовлиев Сардорбек, Алимов Жасур*

**Калит сўзлар.** O`zbek xonliklari, tabobat, tibbiyot, shifokor-tabiblar.

**Аннотация.** Мазкур мақолада XVIII – XIX аср бошларида Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликларида мавжуд тиббиётнинг аҳволи ва табиблар фаолияти ҳақида қисқача маълумотлари берилди.

XVIII – XIX аср бошларида барча хонликларда асосан тиббиёт илмидан таълим берувчи мактаблар бўлган. Бундан ташқари мадрасалардаги таълим тизимига Европа ва Россиядаги ўша даврда ривожланган фани-техника ютуқлари ҳам кириб келди. Бу даврда шоирлар орасида тиббиётга доир шеърлар битиш анъанаси ҳам мавжуд бўлган. Масалан, Хива хони Муҳаммад Раҳим II буйруғига биноан, шоир ва табиб Аҳмад Табибий Хива анталогияси ҳақида шеър ёзган. Аҳмад Табибий хоннинг хос табиби бўлган. Қўқон хонлигида худди шунга ўхшаш анталогияни шоир Фазлий Намангоний ёзган. Ўзбек хонликларида XVIII – XIX асрларда тиббиётни ривожланиши ва табибларнинг фаолияти ҳақида маълумотлар камлигига қараганда, улар унчалик кўп бўлмаган. Қуйида айрим табиблар ва уларнинг фаолияти тўғрисида маълумотлар берилди.

**Солиҳ ибн Муҳаммад Қандаҳорий** – ўзбек хонликларидаги кўзга кўринган табиблардан бири бўлган. У Ҳиротда туғилган ва амир Шоҳмурод (1785 – 1800) даврида Бухорода табиблик билан шуғулланган. Солиҳ ибн Муҳаммад кўпроқ болалар касалликлари билан шуғулланган ва уни ишларининг асосий қисми педиатрияга бағишланган. Унинг асарларидан бири “Тухфат ал-шоиста” (“Арзигулик совға”) асари ҳисобланади.

Бу асар кириш ва икки бобдан иборат бўлиб, биринчи бобда бола организмнинг ўзига хос хусусиятлари келтириб ўтилган. Қандаҳорий шундай деб ёзади: “бола организми ташқи муҳит таъсирига (иссиқ, совуққа) берилувчан бўлади, шунинг учун ҳам улар шамоллаш билан тез оғрийди”. Муаллиф болалар касалликлари ҳақида ёзар экан, уларни икки гуруҳга ажратади. Биринчиси, бола туғилганидан бошлаб беш ёшгача бўлган даврда учрайдиган касалликлар, иккинчи гуруҳга эса олти ёшдан бошлаб валофатгача бўлган даврда учрайдиган касалликлар киради.

Солиҳ ибн Муҳаммад Қандаҳорийнинг иккинчи асари “Тухфат ал-маъсумин” (“Беғуноҳларга совға”) деб номланади. Бу асар кириш, икки боб ҳамда хулоса қисмларидан иборат. Бу китобда болалар касалликларидан

ташқари, аёллар организми физиологияси ва патологияси ҳақида ҳам маълумотлар келтирилади. Кириш қисмида муаллий сув, ҳаво, турмуш тарзи, яъни гигиенани соғлиққа аҳамияти ҳақида гапириб ўтган. Биринчи бобда ҳомиладорликни физиологик ва патологик ҳолатлари ҳақида маълумот берилган. Ҳомиладор ва эмизувчи аёлларга керакли овқатланиш ҳамда яшаш шароити ҳақида ёзилган. Иккинчи бобда маълум бўлган болалар касалликлари ва уларни давоси ҳақида ёзилган. Китобнинг хулоса қисмида муаллиф болаларда заҳарли ҳашоратлар чиқишини олдини олиш ҳақида маълумот беради.

Солиҳ Қандаҳорийнинг учинчи китоби “Амал ас-солиҳин” деб номланади. Бу китобни фармакология бўйича қўлёзма деса ҳам бўлади. Унда касалликларни даволаш йўллари ёзилган. Унда алифбо кетма-кетлигида турли хилдаги дориларни тайёрлаш усуллари, миқдори ва қўлланилиш тартиби ёзилган.

Ўша даврнинг машҳур табибларидан Жунайдуллоҳ Ҳозиқ, Жафар Хожа Ҳазораспий, Маҳмуд Яйпаний, Турсунхожа Ҳаким, Абдулла Хожа, Боядоғлик Ҳаким, Ҳакимча табиб, Абдулваҳоб Ибодий, Аҳмад Хожа табиб, Қодир табиб, Атауллоҳ табиб, Хожи табиб ва бошқалар фаолият олиб борган.

XVIII аср охири ва XIX аср бошларидаги машҳур табиб ва олимлардан бири Жунайдулло ибн Исломшайх Ҳозиқ ҳисобланади. У Ҳиротда туғилган ва яхши таълим олган. Тиббиёт, тарих ва шеърятни яхши билган. XIX аср бошларида у Бухорога кўчиб келади ва табиблик қилади. Чуқур билим ва катта малакага эга бўлганлиги сабабли Жунайдулло Ҳозиқ халқ орасида ҳурматга сазовор бўлган. Жунайдулло Ҳозиқ адабиёт билан ҳам шуғулланиб турган. У шеър ва тарихий асарлар ёзган. Ҳозиқ адабиёт билан жиддий шуғулланган, у ўз шеърларида Бухоро амири Насруллоҳонга бир қанча танбеҳлар берган. Бу нарса ҳукдорни ғазабини қўзгатган ва кейинчалик Жунайдулло Ҳозиқ Қўқонга кўчиб кетишга мажбур бўлди.

Ҳозиқнинг албатта тиббиёт ҳақидаги ишлари бўлган, аммо улардан фақатгина Умар Чағминийнинг “Кичик конун” деб номланган китоби ҳақида ёзган “Таҳқиқ ва қавоид” (“Текшириш ва ҳақиқатни аниқлаш”) номли асари қолган холос.

XIX асрнинг охирларидаги Хоразм табибларидан бири Жафар Хожа Ҳазораспий (Жафар Хожа ибн Насриддин Хожа Ҳусайн Қарвақий Ҳазораспий) ҳисобланади. Унинг асарлари шарқнинг асосий йўналиши мижоз ҳақида бўлган. Ҳазораспий касаллик ривожланганда организмни суяқ қисмида ўзгаришлар юзага келади, деб ҳисоблаган. Шу сабабли беморларга дори воситалари беришдан аввал қон чиқариш керак деб ҳисоблаган. Ҳазораспийнинг “Тиббиёт илмининг йигиндиси” номли асари машҳурдир. Унда Ҳазораспий қуйидаги касалликларнинг симптомлари ва давоси ҳақида ёзади: гелминтозлар (ришта); тери касалликлари (парша, сугал, вителиго, фурункулез), юқумли касалликлар

(қизилча, сувчечак, кўк йўтал ва бошқ.), заҳар ва зардоблар ҳақида айтиб ўтган. Бундан ташқари дориларни тайёрлаш ва қўллаш усуллари ҳақида маълумотлар ёзиб қолдирган.

Маҳмуд Яйпаний (Маҳмуд Ҳаким Яйпаний Қўқондий) XIX аср охири – XX аср бошларидаги ўзбек табибларидан бири ҳисобланади. У 1851 йилда Қўқондан 20 км узоқликда жойлашган Яйпан номли жойда (ҳозирги Яйпан шаҳри) туғилган. Унинг оиласи зиёли оилалардан бўлган. Яйпаний ёшлигидан адабиётга, тарих ва бошқа фанларни ўқишга қизиққан. У Қўқондаги “Жомий” ва “Мирзо Қўқондий” мадрасаларида таълим олган. Мадрасада Куръон карим ва шариатни ўрганишга кўп эътибор берилган. Фанлардан арифметика, геометрия ва араб тили ўргатилган. Фақат алоҳида ўқичувчилар қизиққан ўқитувчиларга бошқа фанларни (астрономия, философия, математика, география, тарих ва тиббиёт) мустақил ўрганишда ёрдам беришар эди.

Яйпаний мустақил фанларни ўрганишга ҳаракат қилди ва тез орада Аристотель, Платон, Гиппократ, Гален, Абу Бакр Розий, Ибн Сино ва бошқа олимларни асарлари билан танишиб чиқди. XIX аср охирларига келиб Европа ва Россияда илм-фан анча илгарилаб кетди, уларни ютуқлари билан танишиш мақсадида Яйпаний латин ва рус тилини ўрганди. Яйпанийнинг ҳаёти ўша даврда пойтахт Қўқон шаҳрида ўтди. Қўқон ўша даврда Ўрта Осиёнинг савдо-сотиқ ва маданият маркази ҳисобланган. Шаҳарда жуда кўп олимлар, ёзувчилар, мусиқачилар яшаган. Уларга мисол қилиб ўзбек адабиётининг мумтоз намоёндалари сифатида Фурқат ва Муқимийни, фан арбоблари Бузрук Хожа ва Абдулваҳоб Ибодийни, табиблар Турсунхожа ҳаким, Балдабек ҳаким, Абдулло Хожа, Ҳаким ва Ҳакимча табибларни айтиш мумкин. Бундай етук табиб ва олимлар билан танишиш ҳамда ҳамсухбат бўлиш Яйпанийни олим ва табиб бўлиб етишишида катта рол ўйнади.

Тажрибасини ошириш мақсадида Яйпаний беморларни бепул даволар, дори тайёрлаб берар ва уларни аҳволини кузатар эди. Дори тайёрлаш учун ўтларни ўрмон ва тоғлардан териб келган, ўз уйи ёнидаги ерда ҳам доривор ўсимликлар ўстирган. Дориларни таъсирини у аввал ҳайвонларда (қўй, маймун) синаб кўрган ва кейин беморларга берган. Яйпанийнинг уйда сувни тозалаш учун тўртбурчак идиш ва дорилар учун чузинчоқ идишлар бўлган. Қийин меҳнатдан сўнг, у машҳур табиб сифатида танилди. Худоёрхон Маҳмуд Ҳаким Яйпаний ҳақида эшитиб, уни саройда табиблик қилишга чақиради. Яйпаний хонга “Мени подшолик қизиқтирмайди, мени бошимда қашшоқлик тожи турибди” деб жавоб қилади.

Маҳмуд Ҳаким Яйпаний халқни савиясини ошириш учун кўп меҳнат қилган. Тиббиёт илмини халқ орасида тарқатишга ҳаракат қилган. Маҳмуд Ҳаким Яйпанийнинг фалсафа, тарих ва бошқа фанлардан бир канча китоблари

мавжуд. Унинг иккита китоби машхур: “Тарик ал-илож” (“Даволаш йўли”) ва “Қонун ал-илож” (“Даволаш қоидалари”).

“Тарик ал-илож” 1913 йилда ёзилган бўлиб, уч қисмдан иборат. Биринчи қисмида Фаргона ва Қўқон хонлиги тарихи ҳақида маълумот берилган. Китобнинг иккинчи қисми шеър тарзида ёзилган бўлиб, унда илмдан йироқда бўлган, лекин ўзини олим ва билимдон қилиб кўрсатувчи кимсалар ҳақида салбий фикрлар баён этилган. Китобнинг учинчи қисми тиббиётга бағишланган. Унда беморларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш ҳақида батафсил маълумот берилган. Дорилар ҳақида маълумот берилган ва китобнинг охирига саҳифаларида уша даврда маълум бўлган дорилар руйхати келтирилган.

“Қонун ал-илож” номли китоби эса тўлиқ тиббиётга ва дориларга бағишланган. Яйпаний организмни суюқ жисмларига таъсир этувчи омиллар сифатида нотугри овқатланиш, оғир жисмоний меҳнат ва асабий зўриқишларни айтиб ўтган. Яйпаний паразитар касалликлар борлигини тасдиқлаган, бундан ташқари ришта ва малярияни тирик “ҳашоротлар” чақиритиши ҳам айтиб ўтган. У кичик паразитлари борлигини (гелминтлар) айтди. Яйпанийнинг касалликларни этиологияси ва патогенези ҳақидаги қарашлари, ҳозирги назарияларга жуда яқин туради. Яйпаний 1930 йилда ҳаётдан кўз юмган.

Ўрта Осиёнинг тиббиёти ва соғлиқни сақлаш тизими билан ўзбек шоири Муқимий (Амин Хожа Муқимий) ҳам қизиққан. У халқни қашшоқлиги ва касалликларни кўплиги ҳақида ёзган. Малярияни у “оғир юрак касаллиги” деб ёзган, бошқа енгилроқ касаллик – лейшманиоз ҳақида эса шундай деган: “бу касаллик эркалар ва аёлларни юзларини чандик қилади, бизни аҳмоқона ишларга бошлайди”. Кўриниб турибдики, Муқимий ўша даврда тарқалган касалликлар ҳақида билган.

Тиббиёт билан бухоролик олим, шоир Аҳмад Дониш ва хоразмлик олим ва шоир Комил Хоразмий таниш бўлган. Унинг ташаббуси билан Хивада биринчи фельдшерлик амбулаторияси очилган.

Хуллас, Ўрта Осиё хонликларида XIX асрнинг охирида касалхоналар, дорихоналар ва соғлиқни сақлаш тизимининг бошқа объектлари йўқолиб, табиблар сони камайиб кетди. Ҳар бир шаҳарда мадрасада таълим олган уч-тўрттадан ортиқ табиблар ишларди. Даволаш усуллари ҳам эскирки усуллар эди. Бу усуллар замонавий Европада фойдаланилиб келинган даволаш усулларида анча орқада қолган эди. Шундай бўлса-да, бу табиблар етарли даражада эмасди. Шаҳар ва қишлоқ халқи фақатгина халқ табобатидан фойдаланиган.

### Фойдаланилган манба ва адабиётлар

1. Рустамова Х.Е., Стожарова Н.К., Нурмаматова Қ.Ч., Абдурашидова Ш. А. Тиббиёт тарихи. – Т., 2014. – 207 б.

2. Абдуллаев А.А. История развития медицины Хорезма /Диссертация на соискание ученой степени доктора медицинских наук. – Москва, 1971. – 431 с.
3. Кадыров А.А. История медицины Узбекистана. – Тошкент: ИПО Ибн Сины, 1994. – 223 с
4. Махмудова Н. М. “История развития внутренней медицины в Узбекистане” из – во “Фан” Тошкент, 1969.